

Ф.Энгельснинг “Ўлимга даъво бўлмагани каби эр-хотин хиёнатига ҳам қарши чора йўқ” деган фикрига таяниб, баъзи тадқиқотчилар адюльтерни оқлашга ҳаракат қилади, ҳаётга фалсафий ёндашиш, мувофиқ ишқий саргузаштларнинг оқибатларини унутмасликка қакиради [4].

Биринчидан, эр-хотин хиёнати оиланинг муҳим асоси, яъни эр-хотин ҳиссиётларига таъсир қилиб, оиланинг бутунлигига хавф солади.

Иккинчидан, эр-хотин структурасидаги муносабатларнинг бузилиши оилавий ҳаётнинг бошқа томонларига ҳам ўтади ва уларнинг эмоционал, кундалик турмуш тарзи, иқтисодий, ҳатто бола ва ота-оналар муносабатларига путур етказиши.

Учинчидан, ишқий-жинсий алоқа четдан рашк туйғуси, хафагарчилик, алданган турмуш ўртоғи азоблари билан кузатилади ва оилавий драмага чуқур вайронкор аффеқтларни олиб қиради.

Тўртинчидан, никоҳсиз алоқалар хиёнат қилган эрнинг иззат-нафсига ва шахсий обрўсига тегади, у нафақат шахслараро, балки шахсий-индивидуал феноменига ҳам хиёнат қилади. Эри хиёнат қилган аёл ўзини таҳқирланган, ранжиган, бахтсиз деб ҳис қилади. Хотини хиёнат қилган эр камситилган, ўзининг номига

доғ тушган ва масҳара бўлган, атрофдагиларнинг кўз ўнгида бечора сифатида ўзини ҳис қилади. Эр-хотин хиёнатига хотин томонидан қилинган хиёнат деярли ҳар бир эркакда ор-номусини йўқотиш билан боғлиқ бўлади.

Бешинчидан, “жабрланувчи томон” учун эр хиёнати кучли психологик жароҳат ҳисобланади, психоген депрессиялар ва аутодеструктив хулқни (алкоголизациядан тортиб жонига қасд қилишгача) юзага келтириш, хиёнат қилган шерикига нисбатан агрессив тенденцияларни пайдо қилади (жисмоний таъсирдан ўлдиришгача).

Бевафолик ва эр-хотин хиёнати – битта нарса эмас, деган тушунча ҳам мавжуд. Масалан, немис психотерапевти К.Кофтаннинг фикрича, вафосизлик вужудга боғлиқ, хиёнат қалбга. А.Липпиус эр-хотин хиёнати тушунчаси доирасини никоҳдан ташқари жинсий алоқа ва хиёнатга ажратади [5,6,7]. Асосий фарқни у шунда кўрадики, хиёнатчи никоҳ шартномасини буза олмайди, бироқ у никоҳидаги шерикини яхши кўрмайди, уни шунчаки қандайдир вазиятлар ушлаб туради, масалан, у воз кеча олмайдиган болалари, мартабаси, кундалик қулайликлари ва ҳ.к.

Адабиётлар

1. Святош А.М. Женская сексопатология. -Ташкент: Изд.им.Ибн Сины. 1991. -С.138.
2. Андреева Т.В. Психология современной семьи. СПб. Речь, 2005. -С. 436.
3. Горпинченко И.И. Откровенно о сокровенном. -Т.: ИЗД.ИМ Ибн сины, 1991. -С.144.
4. Кривцов А.Г. О самом интимном. -Ростов-на Дону: 1990. -С.62.
5. Сисенко В.А. Устойчивость брака. -М.: МЫСЛЬ,1981. -С.106.
6. Андреева Т.В. Семейная психология. СПб. 2004.
7. Антонов А.И., Сорокин С.А. Судьба семьи в России XXI века. -М.: 2000. (гл.6 “Семья и здоровье”).

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола оилаларда ажримларга сабаб бўлаётган омиллардан бири никоҳдан ташқари муносабатларнинг ижтимоий психологик хусусиятини очиқ беришга қаратилган. Мақолада никоҳдан ташқари муносабатларнинг юзага келиш сабаблари келтириб ўтилган. Ушбу муаммо хориж мамлакатлари олимлари ишларида қай даражада ўрганилганлиги кўрсатиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается описанию социально-психологических особенностей внебрачных отношений, которые приводят к разводам в семьях. Рассматриваются также причины внебрачных отношений. Автор статьи показывает в какой степени эти проблемы изучены в трудах зарубежных учёных.

SUMMARY

The article is devoted to the description of social-psychological peculiarities of extramarital relationships that lead to divorces in families. The author of the article also studied the reasons of extramarital relationships and shows at what level this problem has been studied in the works of foreign scientists.

КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ш.Ш.Адинаев – ассистент ўқитувчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: педагогик технология, талабаларнинг мустақил ишлари, таълимда компетентли ёндашув, case-study.

Ключевые слова: педагогическая технология, самостоятельная работа студента, компетентностный подход в образовании, кейс-стади.

Key words: pedagogical technology, independent work of students, competence approach in education, the modernization of education, case - study.

Талабалар мустақил ишларини ташкил қилиш ва таъминлаш борасида Республикамиз ОТМларида назарий ва амалий жиҳатдан салмоқли ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш зарурки, ўқув режасидаги соатларнинг 42-44 %и талабалар мустақил ишларини бажаришга ажратилган. Биз ушбу мақолада “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ўқитиш давомида талабалар мустақил ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш имкониятлари ҳақида ўз фикрларимизни ва тажрибаларимизни баён қиламиз.

Ҳозирги кунда юз бераётган жаҳон тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, талабалар мустақил ишларини ташкил қилишга ва ўтказишга қўйилаётган талаблар ошиб бораётганини кўриш мумкин. Талабалар мустақил ишларининг ролини ошиши эса бутун ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилишни қайтадан кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Ўқув-тарбия жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, бу жараён талабаларда ўқиш, айниқса мустақил ўқиш кўникмаларини ривожлантириши, талабаларда ўз-ўзини бошқариш ва ривожлантириш қобилиятларини, шунингдек эгаллаган билимларини амалиётда ижодий қўллай олиш кўникмаларини шакллантириш керак.

Маълумки, талабалар мустақил ишлари кўп ҳоллар-

да таълим сифатини белгилайди. Агар олдин таълим сифати эгалланган билим, кўникма ва малакалар билан аниқланган бўлса, бугунги кунда таълим сифати эгалланган компетенцияларга яъни, унинг шахсини, касбий компетенцияларини тарбиялашни талаб этмоқда.

Натижада талабалар мустақил фаолиятини қандай ташкил қилиш керак деган табиий савол туғилади. Бу ерда эмг муҳими талабаларда машғулотлар давомида ва аудиторида ташқари ишларда мустақил фаолият юрита олиш кўникмаларини шакллантириш муҳим.

Юқорида таъкидланганидек, ўқув режасида белгилаб қўйилган умумий юкламаларнинг 42-44%и мустақил ишларга ажратилган. Афсуски ҳозиргача талабалар мустақил ишларини ташкил қилиш технологиялари пухта ишлаб чиқилмаган. Мустақил ишларнинг асосий турлари, уни бажариш босқичлари, шакллари ва мустақил ишларни бажариш воситалари тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Айниқса мустақил ишларнинг бажарилишини назорат қилиш механизми яратилмаган. Талабалар мустақил ишларини ташкил қилиш, ўтказиш ва назорат қилиш бўйича методик таъсирлар (ўқув фанлари кесимида) етарли эмас.

Мустақил ишларнинг сифат ва самарадорлигини та-

ъминлаш аввало профессор-ўқитувчига ва пухта ишланган методик таъминотга, назорат механизмига боғлиқ. Агар ўқитувчи машғулотлар давомида талабаларда мустақил ишлашга қизиқиш, иштиёқ уйғота олса, яъни уларда мотив уйғота олса, энг асосий муаммолардан бири бажарилган бўлади.

Демак, ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири билимларни мустақил излашга қизиқиш уйғотишдан иборат. Натижада талаба ОТМларда ўқиши давомида мустақил таълим олиш кўникмаларини, одатларини эгаллаб боради. Талабаларнинг мустақил ишлаш олиш кўникмаларини ривожлантириш, унинг касбий жиҳатдан ўсишларига ва ижодий фаолиятни одат қилиб олишларига имкон яратади.

Биз ушбу мақоламизда “Информатика ва ахборот технологиялари” ўқув фанини ўқитишда талабалар мустақил ишларини ташкил қилиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратамиз. “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини шу фаннинг имкониятларидан ва компьютер технологияси имкониятларидан фойдаланиб мустақил фаолиятни шакллантириш ва ривожлантириш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни амалга ошириш баробарида ижтимоий соҳанинг устувор йўналиши бўлган таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш юзасидан қатор вазифалар белгиланди, жумладан бўлажак педагогларда касбий-педагогик компетентликни яъни мустақил билим олишга, ўз-ўзини ривожлантиришга, мустақил фаолият юрита олиш кўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда. Мазкур вазифаларни бажаришда, таълим жараёнида педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш орқали таълим самарадорлигини орттириш асосий ўринни эгаллайди.

Таълим жараёнида педагогик ва ахборот технологиялардан уйғун фойдаланиш орқали таълим мазмуни янгиланади, унга боғлиқ ҳолда проф-ўқитувчининг педагогик ва талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш жараёни, машғулотларнинг бориши, умуман таълим-тарбия жараёнини *инновацион* асосда ташкил этиш эҳтиёжи тўғилади.

Инновацион технологиялар деганда таълим-тарбия жараёнидаги бир хилликка барҳам бериш, анъанавий парадигмадан воз кечиш ва унга янгилик киритиш орқали самарадорликка эришишга имкон берадиган педагогик ва ахборот технологиялар тушунилади.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти таҳлил этилса, унинг назарий омиллари:

1. Ўқув фанларига таълим мазмунига киритилган янгиликни, фаннинг замонавий ютуқлари ва янгиликларини англаш, уларни ўқувчилар онгига сингдириш йўллари белгилашни;

2. Ўқитиш жараёнига киритилган янгиликни англаш, яъни таълим-тарбия жараёнидаги дарсларда бир хилликка барҳам бериш мақсадида педагогик ва ахборот технологияларидан ўз педагогик фаолиятида қўллашга тайёргарлик кўришни;

3. Ўқув фани бўйича ташкил этиладиган аудиториядан ташқари ишлар ва илмий ва илмий-методик адабиётлар билан мустақил ишлаш имкониятларини такомиллаштириш мақсадида педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш йўллари аниқлашдан иборат эканлигини кўрсатади.

Бўлажак информатика ўқитувчисининг инновацион фаолияти учун зарур бўладиган омиллар:

1) бўлажак информатика ўқитувчисининг илмий-назарий тайёргарлиги, интеллектуал салоҳияти даражаси;

2) бўлажак информатика ўқитувчисининг педагогик тафаккури ва маҳорати даражаси;

3) бўлажак информатика ўқитувчисининг илмий-

методик ва педагогик-психологик тайёргарлик даражаси;

4) бўлажак информатика ўқитувчисининг таълим-тарбия жараёнида вужудга келадиган зиддиятни бартараф этиш малакаси;

5) бўлажак информатика ўқитувчисиди педагогик муносабатларнинг инсонпарварлашган тарзда шакллانганлиги;

6) бўлажак информатика ўқитувчисининг ўз фаолиятини танқидий нуктаи назардан таҳлил қила олиши, педагогик ғоя ва илғор иш тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга жорий этишда ташаббус кўрсатиши;

7) бўлажак информатика ўқитувчисининг ўз касбий-педагогик тайёргарлигини орттириш мақсадида мунтазам равишда мустақил, режали изланишлар олиб бориши;

8) бўлажак информатика ўқитувчисининг таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлай олиши, ўқувчилари онгига ва қалбига миллий ғоя намуналарини сингдириш юзасидан режали тадбирларни амалга ошириш малакасини эгалланлиги;

9) бўлажак информатика ўқитувчиси устоз-шогирд парадигмаси асосида, етакчи информатика ўқитувчиларининг илғор иш тажрибаларини ўрганиш, шунингдек, илғор чет эл тажрибаларини мунтазам равишда қўзатиб бориши, замон талабларига мос ҳолда ўз тажрибаларини такомиллаштиришини назарда тутати.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай замонавий педагогик технология ва унинг қўлланилиши талабаларда мунтазам равишда мустақил фаолият юритишини “субъект-объект” муносабатлари ўрнига “субъект-субъект” муносабатларини шакллантиришни такозо этади. Демак, педагогик технологиялар мунтазам равишда мустақилликни, *мустақил* фаолият юритишни талаб этади. Бу эса педагогика ОТМларида талабаларда мустақил ишлаш олиш кўникмаларини шакллантиришга жиддий эътибор зарурлигини кўрсатади. Демак, бугунги кунда бўлажак информатика ўқитувчиларида мустақил ишлаш олиш кўникмаларини шакллантириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарурияти мавжуд.

Бўлажак информатика ўқитувчилари мустақил фаолиятини шакллантириш учун уни ташкил қилиш технологиясини яратиш зарур. Бунинг учун ОТМ проф-ўқитувчиси ва талабаларнинг махсус ташкил этилган тизимли ўқув-ижодий фаолиятини шакллантириш ҳамда унинг мустақил таълим олишига, ўз-ўзини уюштиришига, ўзи ўзини назорат қилишига йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш зарур.

Талабаларнинг мустақил ишлари ташкил қилиш технологиясини лойиҳалаштиришда биз таълим жараёнини ташкил қилишнинг замонавий парадигмалардан ижодий фойдаландик. Л.А.Беляеванинг билим компетентли ёндошувнинг энг муҳим компоненти бўлиб қолаверади, аммо урғуни мустақил ўқиш, ўрганиш билан боғлиқ кадриятлар томон йўналишга қўчирилади деган фикрларга қўшиламиз. Айниқса, “Бугунги кунда инсонлар нафақат билиши зарур, балки ўз соҳасини тушунадиган, ўзи фаолиятини лойиҳалаштира оладиган ва амалга ошира оладиган, шунингдек ўз билимларини ва имкониятларини қўллай олдиган (компетентли) бўлишлари керак”[3]. Демак, таълим тизимида асосий ўрин мустақил ишларга ажратилиши зарур. Бу эса бизларни компетентли ёндошувлар шароитида талабалар мустақил ишларини ташкил этиш бўйича педагогик технологияларни шакллантиришга дават этади. Ҳозирда амалиётда катта миқдордаги педагогик технологиялар яратилганлигини ва улар самарали қўлланилаётганлигидан хабардормиз. Кўпгина

холларда педагогик технологияларнинг мақсадлари, мазмуни, воситалари ва қўлланиш методларига кўра ўхшашликларини қайд этиш лозим. Шунинг уларни таснифлаш зарурияти мавжуд. Бундай таснифлашни Г.К.Селевко томонидан амалга оширилганлиши кўриш мумкин [4].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, замонавий педагогик технологиялар асосан, Я.А.Каменский томонидан яратилган синф-дарс тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Талабалар мустақил ишларни ташкил қилиш бўйича технология элементларини танлашда биз компетентли ёндошув тамойилларини дастури амал қилиб олдик. Бунда профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг мустақил таълим олиши, ўзининг мустақил фаолиятини ташкил қилиши, ўз-ўзини назорат қила олишини таъминлашга йўналтирилган ўқув-ижодий фаолиятини лойиҳалай олишига асосий эътиборни қаратдик. Мисол учун лойиҳа технологиясини қарайлик. Бу технологияни қўллаш қуйидаги босқичлардан иборат: лойиҳа топшириқларини ишлаб чиқиш, лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, натижаларни расмийлаштириш, тақдимот қилиш, хулосалар чиқариш. Иккинчи мисол сифатида муаммоли таълим технологияларини олиш мумкин. Талабалар мустақил ишларини ва шу асосда мустақил фаолиятларини ташкил қилиш ва ривожлантиришда муаммоли таълим жуда муҳим омил ва воситадир. Муаммоли таълим технологияси маълумки муаммоли вазиятларни яратишга ва уни ҳал қилишга асосланади. Кўзатишларимиз, баъзи хориж тажрибаларини ўрганиш ва таҳлилларга асосланиб таъкидлаш мумкинки таълим жараёни мақсадга йўналтирилган муаммоли саволлар, муаммоли топшириқлар, муаммоли вазиятлар асосида талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятларини ташкил этишга йўналтирилган бўлса, бундай ёндошув талабаларнинг мустақил ўқиши, мустақил фикрлаши, мустақил таълим олишини, изланиш фаоллигини хулоса қилиб айтганда касбий компетентлигини ривожланишига хизмат қилади.

Кафедрамизда олиб борилаётган баъзи тажриба намуналарини асосланиб таъкидлаш мумкинки, информатика ва АТ фанини ўқитишда муаммоли таълим технологиясини қўллаш ва ундан фойдаланиш анчагина вақтни талаб этади. Аммо, шунга қарамайдан таълим жараёнида ушбу технологиядан фойдаланиш бўлажак педагогларда касбий педагогик компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришда

энг истиқболли имкониятлардан бири эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Етакчи педагог олимларнинг таъкидлашича “педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантириши” бу – педагогнинг ўз устида ишлаши ва ўз-ўзини ривожлантиришидир. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади. “Ўз устида ишлаш – шахс ёки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши” дан иборат [2]. Шунингдек, ушбу ўқув методик қўлланмада педагогнинг ўз устида (мустақил) ишлашининг кўринишлари, босқичлари, ўзини ўзи таҳлил қилиш, ўзини ўзи баҳолаш моҳияти ва йўллари, омиллари, модели, ўз-ўзини ривожлантириш каби категориялар муфассал баён қилинган.

Тадқиқотимиз доирасида олиб борилаётган назарий ва амалий изланишларимизга таяниб хулоса ўрнида айтиш мумкинки юқорида келтирилган педагог мутахассиснинг сифат кўрсаткичлари яъни, компетентлигининг энг зарур компонентларини шакллантиришнинг асоси, олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш давомида яратилиши керак. Бу эса талабаларда мустақилликни шакллантириш ва ривожлантириш орқалигина амалга оширилиши мумкин.

Мақоламизнинг номланишида қўйилган мавзу бугунги куннинг ечимини кутаётган энг долзарб муаммоларидан биридир. Кейинган мақоаларимиз талабаларда мустақиллик сифатларини шакллантиришнинг амалий жиҳатларини ёритишга бағишланади.

Олиб борилган тажриба синов ишларимиз шуни кўрсатадики, талабалар мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилишни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мумкинлиги аниқланди: 1) ўқув ва илмий адабиётларни мустақил ўқиш ва ўзлаштириш технологиялари; 2) ахборотни ёзма равишда узатиш; 3) ахборотни оғзаки равишда узатиш; 4) манбалардаги таҳлилий маълумотларни кўргазмали тақдим этиш усуллари ва воситалари: график ташкил этувчилар; 5) ҳамкорликда ўқишни ташкил этиш усул ва воситалари; 6) амалий вазиятларни ҳал этиш усул ва воситалари, case-study; 7) лойиҳалаштириш фаолияти услублари ва воситалари.

Адабиётлар

1. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности: Учебно-методическое пособие для студентов. -Ташкент: ТГЭУ, 2007. -С. 94.
2. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. /Монография. -Т.: Фан ва технология, 2004.
3. Беляева Л.А. Методологический статус компетентного подхода. -Екатеринбург: 2012.
4. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. -М.: 1998.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилишнинг моҳияти аниқлаштирилган, компетентли ёндашувни амалга ошириш шароитида талабалар мустақил ишларини лойиҳалаш учун зарур бўлган компонентлар аниқланган.

РЕЗЮМЕ

В статье уточняется сущность понятия “технология”, рассматриваются вопросы организации самостоятельной работы студентов, выявляются компоненты, необходимые для проектирования технологии самостоятельной работы в условиях реализации компетентного подхода.

SUMMARY

The article deals with the interpretation of the essence of the concept «technology», the organization of independent work of students, the components necessary for designing the technology of independent work in the context of implementing the competence approach are revealed.

SMART КУТУБХОНА ИШ ФАОЛИЯТИ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ АЛГОРИТМИ

Х.Атаджанов – ахборот технологиялари маркази бўлим бошлиғи

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: smart технология, тизим, модел, излаш, карта, моделлаштириш алгоритми.

Ключевые слова: smart технология, система, модель, поиск, карта, алгоритм моделирование.

Key words: smart technology, system, model, search, map, algorithm of modelling.

Ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши асосида интеллектуал тизим ва технологиялар яратилмоқда. Бу илм-фан янгиликлари ва

ишланмаларини амалга тадбиқ қилиш натижаси ҳисобланади. Интеллектуал тизимлар таълим, молия каби соҳаларни кенг қамраб олмақда. Бу инсонлардан